



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 22 февраль, № 38 (8933)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни Мудофаа саноати агентлигининг Инновацион технологиялар марказига ташриф буюриб, бу ердаги ишлаб чиқариш қувватлари, илғор ишланмалар, ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар билан танишди.



Армия қобилиятини мустаҳкамлашда ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлиги билан бир қаторда мудофаа саноатини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда замонавий мудофаа саноатига асос солингани тарихий аҳамиятга эга бўлди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги агентлик томонидан қурол-яроғларни модернизация қилиш, янги технологияларни ўзлаштириш ва истиқболли ишланмаларни қўшинларда жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Инновацион технологиялар марказида 80 га яқин ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, робототехника ва учувчисиз аппаратлар бўйича стартап лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Ташриф чоғида ҳарбий техниканинг янги намуналари, мудофаа соҳасини янада ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳа ва режалар тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бу биринчи қадамлар бўлганини айтиб, мудофаа тизимининг рақобатбардошлигини ошириб бориш бўйича кўрсатмалар берди. Ишлаб чиқаришни мунтазам такомил-

лаштириб, янги маҳсулотларни ўзлаштириш, бунда инновацион технологиялар ва сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, буюртма асосида соҳага хусусий секторни кенгроқ жалб этиб, ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулот турларини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди. Янги иш ўринлари яратиш, мутахассисларни тизимли тайёрлаш, янги техникалар бўйича илмий лабораториялар ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мудофаа саноати корхоналари халқаро иқтисослаштирилган кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 17 — 21 февраль кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтган «IDEX-2025» кўргазмасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 100 дан ортиқ ҳарбий техника ва маҳсулотлар намуналари намойиш этилди. Жумладан, «Арслон 8Ч8» ва «Арслон 6Ч6» зирхли транспортёрлар, «Тўфон» ўзиюрар гаубицаси хорижий ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотди.

Ташриф якунида Президентимиз мудофаа саноатини янада ривожлантириш

нинг стратегик йўналишларини кўрсатиб, мутасаддилар олдида маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш ва маҳаллий корхоналарнинг халқаро бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг давлат ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари, округлар қўмондонлари ҳамда жойлардаги студиялардан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари масъуллари иштирок этди.

Йиғилиш аввалида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бора-бора қилинган ишлар ва уларнинг натижалари ҳамда йўл қўйилган айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланаётгани, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлиги сезиларли даражада ошгани қайд этилди.

Жаҳон тажрибаси ва таҳлиллардан келиб чиқиб, ички ва ташқи хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича янги жанговар бўлинмалар тузилди, қўшинлар таркиби оптимallasштирилди.

Армияни модернизация қилиш ва замонавий қуроллантиришнинг янги тизими — мудофаа саноати янада ривожлантирилгани, қўшимча корхоналар ташкил қилингани қайд этилди. Қуролли Кучларимиз томонидан 20 дан зиёд мамлакатлар билан икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 400 дан ортиқ қўшма машғулотларда юқори кўрсаткичларга эришилганлиги айтиб ўтилди.

Қуролли Кучлар таркибидаги ҳарбий олийгоҳларнинг инфратузилмаси тўлиқ модернизация қилинди, ўқув дастури ва методикаси бугунги кун талабларига мослаштирилди.

Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳам қулайди. Жумладан, 30 мингга яқин

оила уй-жой билан таъминланди, ўтган йили 2 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзлар берилди.

Ватан ҳимоячиларига шaroит яратишда ҳарбий-маъмурий секторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мактабларда уларни чақирувга қадар бошлангич ҳарбий тайёрлашга эътибор кучайтирилмоқда.

Йиғилишда 2025 йил ва келгуси йиллар учун устувор вазифалар белгиланди.

Миллий армиямизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда замонавий қуролли можаролар, хавфсизлигимизга мавжуд таҳдидлар ва ҳарбий ҳаракатлар театри хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунда турли минтақавий можароларда сунъий интеллект, робот, ракета, дрон ва уларга қарши воситалар кенг қўлланилмоқда. Шундан келиб чиқиб қўшинларда дронлар ва уларга қарши курашиш, сунъий интеллект билан ишлайдиган кибертузилмалар, роботлашган техникаларни қўллаш ва ҳаво ҳужумидан мудофаа бўйича янги бўлинмаларни ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди томонидан Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини таъминлаш, жанговар тайёргарлик кўрсаткичларини янада такомиллаштириш, сунъий интеллектга асосланган қўшинларни автоматлаштирилган ягона бошқариш тизимини яратиш, ҳарбий таълим ва ҳарбий кадрларни тайёрлашда дуал таълимдан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Армиянинг устуни бўлими «Бош сержантлар корпуси» фаолиятини такомиллаштириш, мудофаа саноатини янада ривожлантириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳарбий спорт соҳасига йўналтириш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Йиғилишда мудофаа вазири, ҳарбий округ қўмондонлари ва бошқа масъулларнинг ҳисобот ҳамда тақлифлари эшитилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 21 февраль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Россия Президентининг ўтган йил май ойидаги Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни етакчилар томонидан тасдиқланган «Йўл харитаси»га мувофиқ амалга ошириш натижалари кўриб чиқилди.

Турли даражаларда фаол давом этаётган самарали мулоқот ва алмашинувлар юксак баҳоланди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликдаги асосий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатини таъминлаш, шунингдек, икки мамлакат ҳудудларида саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар ҳамкорлик, энг аввало, маданият, санъат, фан, таълим, шу жумладан, муҳандис кадрларни тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида кенгайиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари халқаро кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2025 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шарқона янги йил бошланадиган қутлуг кун — Наврўзи олам асрлар давомида баҳор, эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнат ва бунёдкорлик рамзи сифатида эл-юртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тугиб келмоқда.

Бу мунаввар айём кейинги йилларда Ватанимизда амалга оширилаётган «Инсон қадрини, инсон бахтини учун», деган олийжаноб гоёга ҳамохан бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланган ҳамда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг нишонланмоқда.

Ушбу улугъ фаслнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган гуманизм, одамзодни бутун борлиқнинг гултожи сифатида эъзозлаш, она замин ва табиятни асраб-авайлаш таъминлари бугунги кунда ҳаётимизда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Айнан ана шундай эзгу қадриятлар туфайли юртимизда аҳоли манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг ҳеч бир аъзосини меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, ер ва сув ресурсларидан, барча табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифамизга айланмоқда.

«Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили»да нишонланадиган бу йилги Наврўз шодиёналари шу боис янгича руҳ ва мазмун касб этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг кўп миллатли жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини, бирдамлик руҳини мустаҳкамлашдаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу

айёмни Янги Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. 2025 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда «Қадриятларнинг боқий бўлисин, Наврўз!» деган бош гоё асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савиёда кенг нишонлансин.

2. Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва «Нуроний» жамғармасининг таклифига кўра 2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамининг гоёвий-бадий концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. 2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов) бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда Концепция асосида ишлаб чиқиладиган Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш бўйича ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот тадбирлари дастурини тасдиқласин, шунингдек, унинг амалга оширилишини таъминласин.

4. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган барча тадбирларнинг миллий қадрият ва аъёнларимиз ҳамда бугунги ислохотларимизнинг маъно-моҳиятига, Концепцияда баён этилган асосий йўналиш ва тавсияларга мос ҳолда, юксак даражада ташкил этиш,

уларда юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

байрам тадбирларини борлиқнинг уйғунлиги, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни ифода этадиган, юртдошларимизни бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга ундайдиган таъсирчан мазмун ва шакл билан ўтказиш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашда юз бераётган ижобий ўзгаришлар Наврўзнинг инсонпарварлик ва инклюзивлик моҳиятига, азалий қадрият ва аъёнларига ҳамохан эканини акс эттириш;

бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Муруват» уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига қиритилган ва қўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхони ёзиш ҳамда турли хайрия тадбирларини ўтказиш;

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арафасида барча ҳудудларда, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва қўқамзорлаштириш акцияларини, умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

21 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг «YouTube» тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Ялпи мажлисининг иккинчи иш кунин сенаторлар томонидан дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш ҳизматларини кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқишдан бошланди.

Мамлакатимизда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш

қилиш хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ бугунги кунда ушбу соҳада кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги натижасида дебитор қарздорлик кескин ошиб бормоқда. Маълумотларга кўра тизимда 600 миллиард сўмлик дебитор қарздорлик тўпланиб қолган.

Натижада бундай ҳолат тармоққа тегишли ташкилотларнинг асосий фондларини янгилаш ва хизматлар сифатини оширишга инвестиция киритишга, соҳага тадбиркорлик субъектлари ва хусусий сектор вакиллари кенг жалб қилишга тўсиқ бўлмоқда.



ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
ТАФСИЛОТЛАР

«Раҳбар аёллар мактаби»

Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтида "Раҳбар аёллар мактаби" ўқув дастури доирасида таҳсил олаётган хотин-қизлар учун ўқув соати уюштирилди.



Унда Мактабгача ва мактаб таълими вазири Хилола Умарова сўзга чиқиб, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки ошиб бораётганини, дастурда қатнашаётган 100 нафар аёлдан 44 нафари таълим муассасалари раҳбарлари эканини эътироф қилди.

Мазкур ўқув курсида тингловчилар давлат бошқарувини ташкил этишнинг муҳим жиҳатлари хусусида малакали экспертлардан таҳсил олишди. Дастурни муваффақиятли тамомлаганлар хорижнинг нуфузли университетлари, илмий марказлари ва компанияларида малака ошириши белгиланган. Шунингдек, тингловчилар Миллий кадрлар заҳирасига киритилиб, давлат фуқаролик хизматидаги юқори турувчи лавозимларга тавсия этиб борилади.

Равоқларда улуғ
сиймолар пешвоз чиқади

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази биносининг кириш қисми учун яратилаётган ранг-тасвир асарлари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.



Масъул ташкилотлар раҳбар-ходимлари, олимлар, рассомлар, санъатшунослар ва дин арбоблари қатнашган ушбу тадбирда марказ биносидagi 14 та равоқ учун мўлжалланган асарларнинг тайёрланиш жараёни муҳокама қилинди.

Марказ матбуот хизмати хабарига кўра бугунги кунга қадар 11 та равоқ учун бадий асарлар тайёр бўлиб, уларнинг 9 таси ўз жойига ўрнатилган. Янги тасдиқланган ранг-тасвир асарларидан бири — Абу Мансур Мотуридий ва унинг издоши Насафийга бағишланади.

Иккинчисида Абул Ҳафс Кабир ҳаёти акс эттирилади. Учинчи асар эса араб тили ва грамматикаси асосларини ишлаб чиққан Махмуд Замахшарий шахсиятига бағишланади.

Тажриба ҳозирча
Тошкентда...

Адлия ҳамда Қурилиш вазирликлари томонидан Тошкент шаҳрида тажриба тарикасида қурилишга руҳсат бериш ва архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш, давлат хизматларини композит тарзда кўрсатиш бўйича қўшма қарор тасдиқланиб, ижрога қаратилди.



Мазкур ҳужжатга асосан, юқорида айтилган хизматлар учун зарур мuddатлар ҳамда кўриб чиқиш бошқичлари камайтирилди.

Хусусан, умумий мuddат 20 иш кунидан 12 иш кунига, кўриб чиқиш бошқичлари 11 тадан 7 тага қисқартирилиб, йиғим базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараваридан 0,5 бараварига туширилди.

Тажриба йил якунига қадар пойтахтда олиб борилади ва натижалари бўйича мамлакат миқёсида жорий қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар тақдим этилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

БУ ШУНДАЙ СОҲАКИ, УНГА ДАХЛДОР
БЎЛМАГАН ИНСОННИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

Саломатлик — инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, истаги. Мамлакатимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, тиббиёт соҳасини изчил ривожлантириш устуворлик касб этган.

Негаки, бу шундай соҳаки, унга дахлдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз, тиббиёт муассасаларига кунда-кунора мурожаат қиламиз. Одам соғлом бўлмаса, унга иш ҳам, моддий неъматлар ҳам, хурсандчилик ҳам татимайди. Шу боис одамларнинг соғлигини ҳимоя қилиш, кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантириш — халқларвар давлатнинг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

■ Таҳлил

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи чоғида ҳар доим тиббиёт масканларига боради, шифокорлар билан суҳбатлашиб, аҳоли саломатлигини сўрайди. Ҳаёт ҳақиқати шунки кўрсатадики, фақатгина соғлом халқ, баркамол миллат буюк ишларга қодир.

Ўтган йиллар давомида тиббиёт соҳасида ҳам кенг қамровли ишловотлар амалга оширилди. Хусусан, илгор хорижий ютуқлар ўрганилиб, етарли тажриба тўпланди. Аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида ҳам ютуқларимиз талайгина. Фуқаролар соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда даволаш сифатини ошириш мақсадида юртимиздаги шифохоналар замонавий ускуналар билан таъминланмоқда. Бунинг учун бюджетдан ҳар йили камида 100 млрд. сўм ажратилаётди.

Шунингдек, ўтган йилнинг ўзида тиббиётни юқори технология ускуналар билан таъминлаш учун 200 млн. доллар хорижий инвестиция, 94 млн. доллар грант жалб қилинди. Натижада олдин фақат республика муассасаларида бўлган компьютер томографи, магнит резонансли томограф, ангиографлар ҳозир вилоятларда, ўнлаб туманларда ҳам бор. Бу — ихтисослаштирилган хизмат аҳолига янада яқинлашди, улар сарсон бўлмай, тиббий хизматни ўз маскани яқинида олапти, дегани.

Давлатимиз соҳадаги ислохотларни бир дақиқа бўлсин, чекитирмоқчи эмас. Жорий йилда ушбу мақсадларга давлат ҳисобидан 200 млрд. сўм ажратилди. Шунингдек, тиббиётга 370 млн. доллар хорижий инвестиция киритилиши мўлжалланаётди. Чунки соҳани янги, замонавий жиҳозлар билан таъминламай туриб, ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкининг 100 млн. доллар маблағи эвазига 230 та туғуруқ муассасаси учун 45 турдаги 21 минг-

автомобиль билан таъминланди. Эътиборлиси, ихтисослаштирилган тиббий хизмат ҳам аҳолига яқинлаштирилмоқда. Бу йўналишда диагностика усуллари 500 дан, да-



волаш усуллари эса 800 дан ошгани эътиборлидир. Илгари юртимизда айрим жаррохлик операцияларини бажариш имконсиз бўлган. Энди эса ноёб ва мураккаб муолажалар вилоят ва туман даражасида амалга оширилмоқда. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида донордан олинган суяк кўмиги ўзақ хужайралари трансплантацияси, Кардиология марказида мураккаб эндоскопик жаррохлик амалиёти йўлга қўйилди.

“Давлатимиз соҳадаги ислохотларни бир дақиқа бўлсин, чекитирмоқчи эмас. Жорий йилда ушбу мақсадларга давлат ҳисобидан 200 млрд. сўм ажратилди. Шунингдек, тиббиётга 370 млн. доллар хорижий инвестиция киритилиши мўлжалланаётди. Чунки соҳани янги, замонавий жиҳозлар билан таъминламай туриб, ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкининг 100 млн. доллар маблағи эвазига 230 та туғуруқ муассасаси учун 45 турдаги 21 мингта тиббий ускуна ва 6 та реанимобиль харид қилинади.”

Авваллари коранораграфия ва томирларга стентлар ўрнатиш учун аҳоли пойтахтдаги муассасаларда ойлаб навбат қутиб, маблаг сарфлаган бўлса, эндиликда коранораграфия ва стентлаш вилоят марказларида, эхокардиография амалиётлари эса туман даражасида ҳам уддаланмоқда. Миллий тиббиёт маркази шифокорлари томонидан олис туманларда Европадан келтирилган мобил кардиожаррохлик мажмуасида мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилмоқда.

Юртимизда яратилган шароитлар туфайли Марказий Осиёда биринчи бўлиб бизнинг шифокорларимиз дунёда кам давлатларда амалга оширилаётган сиам эгизакларини ажратиш операциясини муваффақия-

ятли бажарди. Қисқача айтганда, мураккаб тиббий хизмат турлари ҳам аҳолига яқинлаштирилди.

Пойтахтимизда тиббиёт соҳасидаги ноёб мегалойиҳа сифатида барпо этилган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги замонавий мажмуасида сўнгги намунадаги асбоб-ускуна ва шароитлар асосида касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш имконияти яратилди. Мақсад юрдошларимизнинг ортқича вақт ва маблаг сарфлаб, чет элларда сарсон юришига чек қўйишдир. Хайрли амаллар жавобсиз қолмайди, албатта. Соҳадаги ютуқларимиз халқро миқёсда эътироф этилаётгани эътиборга молик.

Ўтган йили Тошкент тиббиёт академиясининг 19 та ўқув дастури (10 бакалаврият, 6 магистратура, 3 клиник ординатура) Бутунжаҳон тиббий таълим федерацияси стандартларига мувофиқ, мустақил хорижий аккредитация агентлиги томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилиб, серти-

фикат олди. Бу эса академия битирувчиларининг халқро миқёсда тан олиниши, хорижий олий таълим битирувчилари билан тенг имкониятлардан фойдаланишга шароит яратди.

Болалар миллий тиббиёт маркази халқро сертификатни қўлга киритгани, Хирургия марказида халқаро сифат стандартлари жорий этилгани, мамлакатимиз гепатит “В”га қарши курашишда минтақа миқёсдаги курсаткиларга эришгани тасдиқлангани ҳам шулар сирасидан.

Яқинда давлат тиббий сўғурта механизмларини жорий этишга оид қарор имзоланиб, унга кўра тизим доирасидаги бепул тиббий хизматлар ва дори-дармонлар харажатла-



Халқ сўзи
Народное слово
танловига

ри Давлат бюджетига тўланаётган солиқлар ҳисобидан қопланиши белгилангани аҳоли саломатлигига эътиборни қучайтириш орқали инсон кадрини ошириш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилган бундай муҳим ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилишини аниглади. Асосийси, тиббиётни янада халқчил соҳага айлантириш, одамларни ушбу тизимдан рози қилиш масаласига бўлган эътибор халқимизнинг эртанги кунга ишончини оширади.

Тиббиётни аҳолига яқинлаштириш ҳақида сўз кетганда, яқин-яқинда эҳтиёжманд одамларнинг республика тиббиёт марказларида даволаниши учун “ордер” деган бир эски тизимдан фойдаланиб келингани эсга тушади. Ушбу “ордер”лар қозғош шаклида юритилиб, аксарият ҳолларда таниш-билишчилик асосида бериб келинганини ҳамма билади. “Ордер” учун маблаглар республика тиббиёт марказларига бемор келса-келмаса, унинг миқдори етарлими ёки йўқлигидан қатъи назар, ҳар йили ўтказиб келинган. Эътибор берилса, ҳақиқий эҳтиёжи бор аҳоли доволаниш учун ййллаб навбатда турган бир вақтда айрим марказлар самарасиз молиялаштириб келинган.

Эндиликда бундай амалиётдан тўлиқ воз кечилиб, эҳтиёжманд аҳоли учун республика тиббиёт марказларида хизмат кўрсатишнинг очик, янги тизимига ўтилади. Ҳозир эса ихтисослаштирилган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўлланма ҳақиқий эҳтиёжи бор аҳолига “электрон навбат” асосида берилипти. Асосийси, маблаглар марказга эмас, балки доволаниши зарур бўлган аниқ беморга ажратилмоқда.

Аёнки, тиббиётда барча масалани малакали кадрлар ҳал қилади. Шу жиҳатдан, бугун тиббий таълим муассасалари сонини кўпайтириш, уларда билим ва малакага, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган кадрлар тайёрлашга алоҳида қаралаётгани эътиборга молик.

Шухрат БОЙМУРОДОВ,
Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича проректор,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

ДЕПУТАТНИНГ ШАХСИЙ
КУТУБХОНАСИ БОРМИ?

Рустам Норов — халқ депутатлари Ромитан тумани Кенгаши депутати. Яқиндан билганлар унга “Билимли, дунёқарашли кенг, яхши суҳбатдош”, дея таъриф беришади. Бир ҳамкасбимиз “Ўқимаган китоби қолмаган”, дея муболага ҳам қилди.

■ Холис назар

Асл касби муҳандис-гидротехник бўлган Рустам Норов Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Бобур, Махтумқули каби буюк шоирларнинг асарларини ўқиб, шеърларини ёд олган. Ҳазаларни адабиётшунослар даражасида таҳлил қилади. Юртимиз, айниқса, Бухоро тарихини чуқур билади.

— Алишер Навоий ғазалларини ўқиганимда дунёни билиш борасида онгимизда ҳали бўшлиқ борлигини ҳис қиламан, — дейди у. — Буюк мутафаккир беш юз йил наридан сабоқ бераётгандек туюлади. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида масъул вазифаларда ишлаган депутат сайловчилар кўнглига дарҳол йўл топади. Уларни ўйлантираётган масалалар ечимини излайди. Давраларда давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, жамиятимиздаги ўзгаришларни содда тилда тушунтиради.

Рустам ака билан китобхонлик бора-

сида марокли суҳбатлашганимиз сабабли “Китоб жавонингиз борми?” деб сўрашга истиҳола қилдик. Депутат Шамсия Саидова билан мулоқотда эса шахсий кутубхонаси бор-йўқлигига қизиқдик.

— Шахсий кутубхонам бор, албатта, — дейди халқ депутатлари Бовкент тумани Кенгаши депутати Ш. Саидова. — Ундан 400 тага яқин адабиётлар ўрин олган. Болалигимизда отам атрофига тўплаб, “Қобуснома” ўқиб берарди. Китобга меҳр ўша паллада уйғонган. Депутат нотиклик санъатида эга бўлиши мақсада мувофиқ, Тили равон, фикри тиниқ, маънавий дунёқарашли кенг бўлмоғи даркор. Фаолиятимда китоб мулолаа қилганим қўл келяпти. Хотин-қизлар масалалари билан шуғулланаман. Муаммога оқилона ечим топиш учун “етти ўлчаб бир кесил” зарурати тугилади. Шунда жамият ва оила тўғрисида мулоҳаза юритган ҳадид ёзувчилар қаламига мансуб китобларни ўқиганим асқатади. Газета ва журналларни мунтазам кўздан кечириб бораман.

— 2010 йилдан 2020 йилгача халқ депутатлари Бухоро вилояти ва Ромитан тумани Кенгаши депутати сифатида фаолият юритганман, — дейди Бухоро давлат педагогика институти ўқитувчиси Шухрат Исмаилов. — Депутат китобхон бўлса, аҳоли ўй-ташвишларини тинглаб, таҳлил қилиши, ечим устида ишлаши осонлашади. Фаолиятига профессионал даражада ёндашади. Депутатларимизнинг айримларида жамиятдаги фаоллик гарови — ўзига бўлган ишонч етишмаяпти. Улар аҳолини ташвишлантираётган масалаларга ечим топишда қийналади. Тегшлиш ташкилотларга мурожаат қилиш, маҳаллий Кенгаш сессияларида муаммоларни кун тартибига қўйиш борасида жон куйдирмайди. Бир маҳалла ёки туман даражасида ҳал этилиши мумкин бўлган кичик масала айрим мутасаддилар ёки депутатларнинг лоқайдлиги оқибатида катта муаммо сифатида талқин этилаётган ҳоллар ҳам шундан далолат.

Юқоридаги фикрлардан депутатларимизнинг шахсий кутубхонаси бўлиши шартлиги аёнлашмоқда. Улар китобхонлик ва газетхонлик борасида ҳам сайловчиларига намуна бўлиши керак.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ТАБИАТГА ЗАРАРСИЗ,
ЖАМИЯТГА ФОЙДАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар қимёси ва физикаси институти олимлари томонидан экологик хавфсиз биопарчаланувчи полимер плёнка ва қадокловчи материаллар олиш учун биопарчаланувчи компаунд ишлаб чиқариш технологияси яратилди.



Кашфиёт

Ушбу ускуна Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан “Start Up” лойиҳа ҳолатида молиялаштирилиб, институтида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, ишланма доирасида олинadиган маҳсулот полиолефинлар асосида турли соҳаларда қўйлашга мўлжалланган биопарчаланувчи маҳсулотлари (қадоклаш пакетлари, плёнкалар, бир марталиқ идишлар ва бошқалар) ишлаб чиқариш учун биопарчаланушнинг таъминловчи қўшимчалар ҳисобланади.

Мазкур қўшимчаларни қўйлаш орқали олинadиган пластик истеъмол буюмлари биопарчаланувчанлиги, юқори механик хусусиятлари сақланиб қолганлиги, инсон саломатлигига учун зарарли хусусиятларнинг мавжуд эмаслиги, чириганда тупроқ инфратузилмаси ва унумдорлигига зарар келтирмаслиги каби хусусиятлари билан тавсифланади.

Таркибида биопарчаланушнинг таъминловчи қўшимчалар мавжуд пластик полимерлар асосида турли маҳсулотлар пакетлар (халталар), озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қадоклаш, бир марталиқ фойдаланиладиган идишлар ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалигида бир йиллик ўсимликларни плёнка остига экишда қадокловчи восита сифатида қўйлаш учун плёнкалар олишда асқатади.

Иқбол ПАРДАЕВА.

2026 йилда ўтказиладиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларининг шиори — «IT’s Your Vibe», яъни «Бу, сенинг табиатинг» деб номланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратта келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Норкулов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6